

ТАРИХИЙ ҲИКОЯДА БИР ВОҚЕАНИНГ УЧ ТАФСИЛОТИ

Зебунисо Мустафокуловна АМИРҚУЛОВА
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
ўқитувчи
Термиз давлат университети
Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада мустақиллик даврида яратилган тарихий мавзудаги ҳикояларда “Бобурнома”да келтирилган бир воқеанинг уч хил тафсилоти таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: тарих, ҳикоя, аждодлар, поэтика, ижодкор.

ТРИ ВАРИАНТА ПОДРОБНОСТЕЙ ОДНОГО СОБЫТИЯ В ИСТОРИЧЕСКОМ РАССКАЗЕ

Зебунисо Мустафокуловна АМИРҚУЛОВА
Доктор философии по филологическим (PhD) наукам
преподаватель
Термезский государственный университет
Термез, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье анализируются три варианта подробностей одного события, изложенного в “Бабурнаме” на примере рассказов на историческую тему, созданных в годы независимости.

Ключевые слова: история, рассказ, предки, поэтика.

Дунё адабиётида тўлиғича тарихий ҳужжатлар асосига қурилган ёки соф бадий тасвир орасида турли ҳужжатлардан мисоллар келтириб ёзилган бадиият намуналари жуда кўп. Тарихий воқеа-ҳодисаларни замондошлар томонидан қабул қилиш руҳиятдаги сиёсий ҳолатдан ажралган нарса эмас. Зеро, халқ — тарих ижодкори. Адабиётшунос Нафас Шодмонов ўтмишда муайян даражадаги тарихий воқелик, яъни ҳужжатга таяниб яратилган эсада, аммо тўлиғича тарихий аниқликни бўйнига олмайдиган асарларни “Бадиий тарихий наср” деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайди [4;102]. Айтиш жоизки, тарихий наср давр ўзгаришига мувофиқ равишда сезиларли, босқичма-босқич янгиланишларни бошдан кечирди.

Аслида, тарихий асарда унинг бутунлигини таъминловчи яхлит нуқтаи назар, бош ғоя мавжуд. “Ҳар қандай таҳлил, одатда, маънога муносабат, уни излаш, топиш, ҳақиқатини англаш ва аниқлаш орқали олиб борилади.

Юқорида таъкидланган таянч маркази тарихий ҳикоя учун ҳам замин вазифасини ўтайди. Шу нуқтаи назардан, шоҳ ва шоир Бобур шахси, унинг зиддиятга тўла ҳаёти ва жасоратини акс эттирувчи ҳикоялар таҳлили эътиборни тортади.

“Бобурнома”да келтирилган бир тарихий воқеа тафсилотини Урфон Отажон “Бобур ва Бехзод”, Хайриддин Султон “Нуқта”, Пиримқул Қодиров “Мардлик” ҳикоялари орқали ифода этади. ижодкорларнинг ҳар бири ўз гоявий ниятидан келиб чиққан ҳолда бу тарихий ҳақиқатни асар меҳварига сингдириб юборади.

“Бобурнома”да Чахчарондан ўтиш ҳақидаги тафсилотлар тўлиқ келтирилади: “Чахчарондин икки-уч кўч ўтгач, қор асру улуғ бўлди: узангудин юқорроқ эди, балки аксар ерда отнинг аёғи ерга етмас эди, яна қор доим ёғар эди. Лангари Мир Ғиёс навоҳисида Кобулға не йўл била боруримизни кенгаштук. Мен ва, аксар, барин эдукким, қишдур, тоғ йўлида кўп дағдаға ва тараддудтур, Қандаҳор йўли агарчи бир нима йироқдур вале бетараддуд ва бедағдаға боришур. Қосимбек, ул йўлни йироқдур, бу йўл била борурбиз, деб кўп жаҳл қилди, бу йўлға бўлдук. Бир Султон отлиқ пешойи бошчи эди, қарилиғидин ё олдорағонидинму ё қорнинг улуғлиғидинму, йўлни йўқотти, бошлай олмади” [1;174]. Хайриддин Султонов, Урфон Отажон бу тасвирга ўз ҳикояларида қисман тўхталади. Пиримқул Қодиров уларга нисбатан Бобур битикларидан маҳорат билан фойдаланганининг гувоҳи бўламиз: “Бобур кўрикчи йигитлари билан отланиб чиқаётганида, Қосимбек афғонларнинг пашойи қабиласи яшайдиган қишлоқдан Султон деган бир йўл кўрсатувчини топиб келди. Олачипор салла ўраган, баланд бўйли, бурни узун, жингалак соқолига оқ оралаган бу одамнинг юзи Бобурга алланечук тунд кўринди”. Муаллиф шундай қилиб ҳикояга Султон образи тасвирини киритади. Бобурнинг уни хуш кўрмаслиги яъни, Султон юзининг тунд кўриниши, Бобурга тик қараб, дадил жавоб қайтариши, туркий тилда у ҳақда айтилган фикрларни англаб, истехзоли кулимсираб қўйиши ўқувчида Султонга нисбатан ишончсизлик уйғотади. Султоннинг бу ишга бош

кўшиши сабаби темурийзодалар томонидан ўлдирилган яқинлари учун интиком (қасос) олиш экани аён бўлади. Хайриддин Султоновнинг “Нукта” ҳикоясида айтилган тасвир: “Султон пешойи отлиғ кекса йўлбошловчи совукдан гангибми ё азбаройи қариликми йўлни йўқотди”, шаклида ифода этилади. Урфон Отажон бу қаҳрамонни ҳикояга киритмайди. Бобур изтиробли сафарни шундай тасвирлайди: “Бир ҳафтага ёвуқ қор тепиб, кунда бир шаръий – бир ярим шаръийдан ортиқ кўчулмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички била ва Қосимбек эди, икки ўғли Тенгриберди ва Қамбар Али била яна икки-уч навқари ҳам бор эди [1;175] Пиримқул Қодиров Султон табиати, ниятидаги ўзгаришларни тасвирлашда “Бобурнома”даги маълумотлардан ўринли фойдаланади: “Султон Бобурнинг совқотиб асабийлашишини, йўл жуда секинлаб қолганидан тажанг бўлишини, одамларига бақириб-сўқиниб иш буюриши, айтганини қилмаганлар бўлса, қамчи билан савалашини кутмоқда эди. Отаси ва акасини ўлимга буюрган ҳукмдорлар қиёфасида Султон ана шунақа золимларни кўрган, бугун эса улардан бирининг талвасага тушишига гувоҳ бўлиб, бир аламдан чиққиси келар эди”. Аммо Султон кутганидек бўлмайди, чунки Пиримқул Қодиров қаҳрамонлар табиати, нутқи, ички монолог, табиат тасвири (пейзаж)ни тасвирлаш жараёнида, Бобур шахсиятидаги фазилатларни очиб беради. “Бобурнома”да Кўтали Заррин, Ҳаволи Қутийдан ўтиш тафсилотлари ҳам тўлиқ баён этилган. Хайриддин Султонов асар фабуласидаги тасвирларни ишончли тарзда баён қилади. Бобурнинг рухий кечинмалари шу йўсинда ифодаланади ҳам.

Пиримқул Қодиров воқеалар баёнида “Бобурнома”даги кетма-кетликка қараб воқеаларни баён қилади. Урфон Отажон ҳам бу эслашга арзирли хотираларни кейинроққа кўчиришни маъқул деб билади. Хайриддин Султонов “Нукта” ҳикоясида ушбу тасвирни лирик чекиниш сифатида ишлатади. Шу сабаб, ҳикояда воқеалар ривожига ўрин ажратмайди. Урфон Отажон асарида қор бўрони тасвиридан Бобур ҳаётининг унутилмас

дамларини, Беҳзод ҳақидаги фикрларини тасвирлашда бевосита фойдаланади.

Тадқиқотчи Сабоҳат Бозорова асар ҳақида яна шундай фикр юритади. “Мазкур ҳикоялар орасида Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикояси пухта сюжети, равон ифода услуби, тарихий материалларнинг салмоғи, ёрқин образлари билан ажралиб туради. “Бобурнома”да 1528 йил воқеалари баёнида Ҳумоюннинг навкарлари Баёншайх ва Беккина Вайс Лоғарийнинг ташрифи ҳақидаги маълумотлар қайд этилади ҳамда Ҳумоюнга йўлланган мактуб матни тўлалигича келтирилган. Хайриддин Султонов шу мактубни 11 қисмга ажратади ва улар орасида Бобур ҳаётидаги унутилмас воқеаларни, мактубни битиш асносидаги руҳий кечинмаларни маҳорат билан тасвирлайди” [2]. Асар сюжетидаги воқеалар занжири Бобурнинг турмуш тарзи ҳамда буюк шахсияти ҳақидаги керакли тасаввурни ҳосил қилиш имконини беради.

“Бобурнома”да юқорида кўрсатилган даврда Бобурнинг тез-тез иситмалаб, касал бўлиб қолгани ҳақида тўхталинади. Хайриддин Султоновнинг “Нуқта” ҳикоясида Бобурни шундай ҳолатда, яъни, дардманд, бечораҳол кўрамиз. У мактубни ёзиш жараёнида бир неча бор тўхтайди, гоҳ қулоғини ушлайди, гоҳ бемажол қолади. Ҳикоядаги илк жумлаларда ҳам шундай “маълумотлар” бор: “Икки ҳафтадирки, Аграда беморнинг ҳасратидек узун, тинимсиз ёмғир қуярди”. Тинимсиз ёғаётган ёмғирни беморнинг узун ҳасратига ташбеҳ қилиши оригинал бадиий топилма. Қолаверса, ҳикоя қаҳрамони – бемор Бобурнинг психологик ҳолатида ҳорғинлик ва ҳасрат кўзга ташланади. Шохнинг хасталиги сабабли Боғи Нурафшон файзу баракасини йўқотган бўлса, бемор киши учун борингки Боғи Нурафшон ёхуд бутун олам бефайз, бешукуҳ туюлиши бор ҳақиқат эди. Қаҳрамоннинг вужуди хаста бўлса-да, фикри теран, ўйлари асосли. Ёзувчи Бобурнинг дардли мулоҳазаларини ифодалар экан, муҳим фалсафий фикрларни унинг ички кечинмалари орқали баён қилади: “Изтироблар боиси

– тирикликда, инсонликда. Фақат тирик одамгина изтироб чекмоққа, изтироблар ичра тобора тозариб, юксалиб, ҳаётнинг жамики машаққатларини енгиб бормоққа қодир. Дунёдаги ҳатто энг улуғ ўлик ҳам изтироб чекмоқдан маҳрум, зеро, инсоний изтироб – тириклик нишонаси, барҳаёт диёнат овозидир...” деган тўхтамга келади муаллиф.

Муаллиф Бобурнинг улкан тарихий хизматларидан бири – “Хатти Бобурий” ҳақидаги фикрлар баёнида ғоятда қизиқарли воқеаларни эътибордан қочирмайди. Шерғоридаги англашилмовчилик, мўътабар шариат пешволарининг ташрифи ҳақидаги воқеалар тафсилотиға мунажжим Муҳаммад Шариф найранглариға тегишли тасвирлар моҳирлик билан уланиб кетади. Ҳикоядаги Муҳаммад Шариф образи орқали сарой мутаассибларининг ҳукмдорларға босим ўтказишға интилишлари, уларнинг башоратлариға ишониб, салтанатнинг тақдирини мунажжимлар қарашлари асосида ҳал қилган подшоҳларнинг маҳзун ҳоллари ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар акс эттириладики, бу тасвир жараённинг нечоғлик қалтис эканини кўрсатади. “Бобурнома”да Муҳаммад Шариф номи уч бора тилға олинган. “Бобурнома”даги 1526 йил воқеалари баёнида Муҳаммад Шариф ҳақида тўлиқ тасаввур берилади: “...Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас агарчи манға айтур ёроси йўқ эди, ҳар кимға йўлуқса муболағалар билан айтур эдиким: “Бу айёмда Миррих ғарб саридур, ҳар ким бу тарафдин урушса мағлуб бўлур”. Мундоқ шумнафас неким сурди, бедил элнинг кўнглини кўпрак синдурди. Анинг бу паришон сўзлариға гўш қилмай, қилур ишларимизни тигилмай уруш ишида бажид ва масоф қилмоққа мустаид бўлдук” [1;28]. Муҳаммад Шариф образи орқали шундай “юз қароликлар”ға қарамай, Бобурни яхши-ёмон кунларда йўқлагани “Бобурнома”да келтириб ўтилади. Асардаги ушбу ўринлар Бобур табиатидаги ҳокисорликни кўрсатадики, ҳойнаҳой, Муҳаммад Шариф Бобурнинг зиёниға иш тутса-да, Бобур унинг олдинги хизматларини эътиборсиз қолдирмайди, ўзидан узоқроқ тутати, аммо жазоламайди, эл қатори ҳадялар беради. Бобурнинг бу сифатлари ҳикояда келтириб ўтилмаган.

Хайриддин Султоновнинг “Нукта” ҳикояси “Бобурнома”даги воқеаларнинг шунчаки такрори эмас, балки унинг юксак поэтик дунёси, бадиий тафаккур оламини намоён этувчи ижод намунасидир.

Пиримқул Қодиров “Мардлик” ҳикояси композициясида Бобурнинг оилавий ҳаётдаги беқарорлиги, биринчи турмуши Ойша бегимнинг оқибатсизлиги ҳақидаги воқеалардан сўнг аёллардан кўнгли совуганини келтиради. Моҳим бегимнинг боғ кўчадан ташлаган атиргули ҳақидаги бадиий тўқима “Юлдузли тунлар” романидаги шу эпизод тасвирини ёдга солади. “Юлдузли тунлар”да Ҳирот доруғаси Юсуф Алибек Моҳимнинг оиласи ҳақида маълумот берса, ҳикояда Қосимбек қизни қидириб топишга ваъда бергани тасвири бор.

“Бобурнома”да тасвирланган Кўтали Зарриндаги ҳодисалардан сўнг туркман ҳазораси билан бўлган тўқнашув келтирилади ва Қобулдаги тартибсизликлар ҳақида сўз боради. Пиримқул Қодиров Бобурнинг хавфли сафарга чиқишида шу воқеани сабаб қилиб кўрсатади ҳамда Чахчарон воқеаларини ўзига хос тарзда бадиий таҳлил этади. “Мардлик”да Султон образи етакчи ўрин тутди. Ёзувчи Султон руҳиятидаги ўзгаришларни ишончли тарзда асослашга ҳаракат қилади. Қасос туйғусининг узоқ вақт ҳукмронлик қилиши, Бобурнинг шоҳ ва оддий инсон сифатидаги ҳаракатлари Султоннинг виждонини уйғотади, халқ ва келажак авлодлар олдидаги масъулият ҳиссининг ғолиб келиши тасвири ва Султон образининг янги қирралари очилиб боради. Шу тарихий шахс ҳақидаги бадиий тўқималар ҳикоянинг муваффақиятли чиқишига замин ҳозирлаган кўринади.

Пиримқул Қодиров ўз ҳикоясида Хайриддин Султонов ва Урфон Отажондан фарқли ўлароқ, Қобулдаги ҳодисалар тафсилотига ҳам ҳикояда ўрин беради. Асардаги бу воқеалар “Бобурнома”да келтирилгани бўйича ифодаланади. Ҳикояга Бобурнинг яхшиликларини унутиб, унинг ўрнига, Мирзохонни шоҳ қилиб тайинлаган яқинларининг оқибатсизлиги ҳақидаги воқеалар киритилмаган. Бу ҳолат Бобур шууридаги мардликни кўрсатиш

истаги билан ҳам боғлиқ. Бобур фиску фасодга шерик бўлган Султон Санжарга нисбатан марҳамат кўрсатади. “Чун хон додамнинг волидаси Шохбегим хоҳарзодаси бўлур эди, буюрдумким, мундоқ беиззатона кездурманг, ўлум йўқтур”, дейди [1;179]. Худди шундай илтифотни ўғай момоси Шохбегимга, холаси Хўб Нигорхонимга нисбатан ҳам кўрсатади.

“Бобурнома”да Ҳирот шаҳри тасвири ва у билан боғлиқ таассуротлар батафсил баён қилинади. Урфон Отажон ҳикоясида бу тафсилотларга кенг ўрин ажратади. Улар қор ураси (чоҳи)да ўтирган Бобурнинг ўй-хаёллари тарзида тасвирланади. Шу ифода ўша давр Ҳирот осмонидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шаҳзодаларнинг кўркем турмуш-тарзи, урф-одатлар, қадриятлари ҳақида тасаввур беради. Машҳур мусаввир Беҳзоднинг такрорланмас бадиий санъати ҳақида сўз юритилар экан, Султон Ҳусайн Мирзо, Искандар Зулқарнайн, Амир Темур, Алишер Навоий, Бадиуззамон Мирзо каби тарихий шахслар акс этган воқеа тафсилотлар қаламга олинади. Муаллиф унда бадиий тўқимадан кўра тарихий ҳақиқатни бориचा жилвалантиради.

Урфон Отажон Кўтали Зарриндаги воқеалар тасвирида бошқа муаллифлар ва “Бобурнома”да учрамаган деталларни қўллайди. Бобур совук уришига йўл қўймаслик учун ҳаракатланиб туриш (қўл-оёқ ҳаракати) лозимлигини англайди ва улар ёрдамида турли жисмоний машқларни бажаришга ҳаракат қилади. Ундан кўриб ҳамроҳлари ҳам шундай йўл тутадилар. Ёзувчи гурзи воситасида қорнинг қалинлигини кўрсатмоқчи бўлади. Шундан кейингина қорни кураш эпизодига ўтилади. Ҳикояда Бобурнинг ана шу ва шунга ўхшаш фазилатлари кўзга ташланмайди. Қолаверса, Кўтали Зарриндаги воқеалар “Нуқта”, “Мардлик” ҳикояларидагидек таъсирчан тасвирланмаган. Оқибатда, Бобур образи эмас, унинг ўй-хаёллари тарзида жонлантирилган Беҳзод образи бош планда ёрқинроқ ифодаланади. Маъсума Султонбегим ҳақидаги фикрларга ҳам

ҳикояда ортиқча урғу берилади. “Нукта”, “Мардлик” ҳикояларида бундай тасвир кўзга ташланмайди.

Бобур образи иштирок этган тарихий асарларда тарихийлик ва бадиий тўқимани муаллифлар ўзларининг ижодий салоҳияти, билим доираси, тарихни ўрганганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ифодалаганлар. Бунда нафақат Бобур образи, балки унинг атрофидаги бошқа персонажлар тасвирида ҳам юқоридаги нуқтаи назар устувор. Натижада миллий характернинг нафақат зоҳирӣ (ижтимоӣ), балки ботинӣ (психологик) қирралари ҳам очиб берилган. Сўз юритилаётган асарларда муаллифлар тилидан ёки персонаж диалоглари орқали Бобур образи тасвирига боғлиқ равишда ифодаланган пейзаж тарихий вазият ва шароит тасвири далилларга асосланиб тасвирлангани эътиборга лойиқ.

“Бобурнома”да келтирилган бир тарихий воқеа тафсилоти уч ижодкорнинг, яъни, Пиримқул Қодировнинг “Мардлик”, Хайриддин Султоновнинг “Нукта”, Урфон Отажоннинг “Бобур ва Беҳзод” ҳикояларини яратилишига сабаб бўлди. Ҳар бир ижодкор ўз ғоявий мақсадидан келиб чиққан ҳолда бу тарихий ҳақиқатни асар сюжетида сингдирди.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 174 б.
- 2.Бозорова С. Бир воқеликнинг уч талқини // Шарқ юлдузи, 2011. – №4.
- 3.Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Тошкент, 2002. – 121 б.
- 4.Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 102 б.